



1

Имом ал-Бухорий сабоқлари

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

2/2013



Мундарижа

А.Рисбоев. Фаровон турмуш маскани	83
Хотира ва Қадрлаш хуни	85
Б.Умрзоков. Ҳазрати Эшон	89
А.Юнусов. Қалбларга нур таратиб	90
Хотиралар. Ҳ.Авазхон. Имомлар пешвоси	91
А.Ибрагимов. Уста вонз, беназир нотик ва истеъдодли раҳбар	91
Фозил қори ижодидан намуна. Ватан	92
Барҳаёт сиймолар	95
Ш.Ҳайитов. Ўзбекистонда фалсафа фанини ривожлантиришда	95
академик Иброҳим Мўминовнинг ўрни	98
Ж.Маҳмудов. Фафур Ғулом ва Аҳмад Табибий	101
Суюкли сиймолар	101
А.Жуманазар. Минг йилликнинг энг яхши муҳаррири	104
С.Олим. Узи бир олам эди... ..	104
Хотира	105
Б.Каримов. Таниқли олим Қозоқбой Маҳмудов вафот этдилар	105
Маънавий таҳдидлар	107
М.Оллаёров, М.Оллаёрова. Динларнинг мафкуралаштирилиши	107
маънавий таҳдид сифатида	107
Имом Бухорий издошлари	108
Ас-Сагоний. «Асоми шуйху-л-Бухорий» (давоми, бошланиши ўтган сонларда)	111
Шарқ ва Ғарб	111
А.Муминов. Ижтимоий ҳаётда масжидларнинг ўрни (Германия мисолида)	111
А.Алимов. Ғарб олимларининг Қуръонга оид тадқиқотлари	113
А.Саитова. Ғарб шарқшунослари томонидан Муҳаммад пайғамбар	113
шахсиятининг ёритилиши	115
Фикҳ Ҳамид	118
Ҳ.Аминов. Ўзбекистонда фикҳшунослик: муваффақият ва муаммолар	118
М.Комилов, И.Бекмирзаев. Мовароуннаҳрда фаолият юритган сулолавий фақиҳлар	125
Нодир манбалар	125
Т.Эвадуллаев. "Ширъату-л-ислом" - ислом таълимотига оид муҳим манба	125
Манбалар таҳлили	125
Ҳ.Тўраев. Пўлат Солиевнинг "Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси"	128
номли асари	128
А.Алимов. Ҳусайн Вонз Кошифий давридаги тарихий вазият ва маданий ҳаёт	131
Ватанимиз тарихини ўрганамиз	131
О.Тангиров. Тошкент шаҳри бошқарувида оқсоқол лавозими	135
(XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошлари)	135
Фалсафий мушоҳада	138
М.Эргашева. Авесто да оламнинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги ҳақида	138
Ислом ва қадриятлар	140
С.Саидова. Қадриятларнинг маънавий аҳамияти	140
Ислом ва ҳаёт	142
С.Жалилов. Ислом динининг ҳалқимиз тақдиридаги ўрни (Ислом Каримовнинг	142
"Юксак маънавият - енгилмас куч" асарини ўқиб)	142
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИ	142
Ёшлар - келажагимиз соҳиблари	144
А.Рўзиев. Тарихий дунёқараш - тараққиёт асоси	144
Маҳалла - тинчлик қўрғони	147
У.Бўтаев. Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда	147
маҳалла институтининг ролини мустаҳкамлаш тажрибаси	147
Ислом ва аёл	150
М.Каримова. Аёлларнинг турмуш тарзида ота-оналарнинг ўрни	150
(Фарғона vodiysi мисолида)	150
Ҳунармандчилик тарратилар	155
З.Мадрисова. Фарғона vodiysi маданияти - йиллик ҳунармандчилик	155
марказлари (XVIII-XIX аср 20-йиллари)	158
Ёш тарбиячилар	158
З.Мадрисова. Мадрисадаги ёш қизларнинг тарбияси	158
З.Арипова. Биринчи мадриса тарбияси	158

Ҳалим ТЎРАЕВ,
тарих фанлари доктори,
Бухоро давлат университети

ПЎЛАТ СОЛИЕВНИНГ "МАНҒИТЛАР САЛТАНАТИ ДАВРИДА БУХОРО ЎЛКАСИ" НОМЛИ АСАРИ

XX асрнинг 20—30 йилларида сермахсул ижод қилган атоқли муаррих Пўлат Солиевнинг илмий мероси, унинг ижоди тўғрисидаги айрим биографик ва публицистик мақола ва рисоаларни истисно қилганда, ҳали етарли баҳосини олмаган. Олимнинг мақола ва рисоаларини таҳлил қилганда, кўпчилик иккиланса керак. Унинг ёндашувидаги ўта бир томонламалилик баъзан кишини таажжубга солади. Ўтган асрнинг 20—30 йилларидаги ижтимоий-сиёсий вазият ижодкорнинг дунёқараши, ёндашуви, илмий услуби ва тафаккурига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Унинг ижодидаги бир томонламалилик айнан ушбу вазиятнинг ҳосиласидир. Буни унинг барча асарларига нисбатан қўлаш адолатдан эмас. Жумладан, "Ўзбеклар ҳам Темур болалари", "Хоразм тўғрисида бир мулоҳаза" каби мақолаларида масалага ҳолисона ёндашув намоён бўлади. "Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси" номли рисоласида эса, ҳукмрон мафкуранинг таъсири яққол сезилиб туради. Манғитлар даври тарихшунослиги ва ушбу давр тарихини тадқиқ қилган муаллифларнинг асар ва мақолаларини чуқур таҳлил қилган немис олимаси Акке фон Кюгельгеннинг мазкур рисолаи тадқиқот объектига тортмаганлигининг сабабларидан бири ҳам шу нарса бўлса керак¹.

Ўша даврнинг илғор маърифатпарварлари Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Пўлат Солиев нега айнан манғитлар салтанати тарихини ёзишга қўл урдилар. Бу манғитларни фош қилишдими? Еки сўнгги ўрта асрлар муаллифлари Аҳмад Дониш, Мирза Сомий, Шарифжон Маҳдум Садр Зиё, Мирза Салимбек асарларини тўлдириш эдими?

Пўлат Солиевнинг "Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси" асарига баҳо берганда, албатта, уни мазкур муаллифларнинг манғитлар тарихига бағишланган асарлари билан қиёслаш лозимдир. Аҳмад Дониш², Садриддин Айний³, Абдурауф Фитрат⁴, Пўлат Солиевлар⁵ манғитлар сулоласи тарихини ўз нуқтаи назари, дунёқараши, шахсий муносабати доирасида ёритишган.

Пўлат Солиев ушбу тадқиқотида ўзидан олдинги тарихчиларнинг асарларидан манба сифатида фойдаланган бўлса-да, Аҳмад Дониш, Мирза Сомий⁶

нуқтаи назарини тўлиқ қабул қилмаган ва ўз мустақил фикрига эга бўлган.

Бухоро ўлкасининг таназзулга юз тутиш сабабларини Пўлат Солиев манғитлар ҳукмронлиги билан боғлайди. IX—XV асрларни Бухоро тарихидаги порлоқ даврлар деб ҳисоблайди. Негадир мўғуллар истилоси давридаги вайронагарликлар, иқтисодий ва сиёсий таназзул муаллиф томонидан четлаб ўтилган. Бунинг ўрнига манғит қабиаларининг айнан мўғуллар истилоси даврида Чингизхон қўшинлари таркибида ғарбга томон силжиганлиги ва Амударёнинг куйи оқимида келиб ўрнашиб олганлиги ва кейинги асрларда, хусусан Шайбонийхон ҳукмронлик йилларида унинг қўшини таркибида Хуросон юришларида иштирок этиши, кейинчалик Қарши атрофларида жойлашиб олиши каби маълумотлар тавсия этилади.

Аҳмад Дониш ва Садриддин Айнийдан фарқи ўлароқ, Пўлат Солиев манғитлар даври тарихини қисқа хронологияда беради. Асосан Амир Шоҳмурод, яъни Амир Маъсумдан Амир Музаффаргача бўлган давр қамраб олинган. Манғитларнинг ташқи сиёсати танқидий муносабат билдиради. Европанинг қудратли давлатлари ташқи сиёсатида устувор бўлган "Шарқ масаласи"нинг мусулмон мамлакатлари учун қай даражада хавфли эканлигидан Бухоро ҳукмдорлари беҳабарлигини афсус билан ёзади.

Бухоро амирлигида форс тилининг расмий ҳужжатлар тилига айлантирилганлигини Пўлат Солиев танқид остига олади. Лекин бу тил ҳали Шайбонийлар ва Аштархонийлар давридаёқ расмий давлат тили мақомини олганлигини муаллиф эътибордан қочирган.

Пўлат Солиев фикрича, манғитлар ҳукмронлиги Амир Маъсумдан яъни Амир Шоҳмуроддан бошланган. Муҳаммад Раҳимхонни умуман тилга олмайди. Лекин Амир Дониёлнинг Аштархонийлар давридаги обрў-эътиборини адолат юзасидан эътироф этади. Бухоронинг сўнгги ўрта асрлар тарихнавислигида Амир Шоҳмурод шахси ижобий бўёқларда тасвирланади. Айниқса, Аҳмад Дониш Амир Шоҳмуродни уммавийларнинг саккизинчи халифаси Умар бин Абдулазизга қиёслаб, унинг дарвишона турмуш тарзини мақтовлар силсиласида баён этади⁷. Пўлат Солиев ушбу анъанадан чекинган ҳолда



Амир Шохмурод шахсига ўта танқидий муносабатда бўлган ва унинг ислохотчилик фаолиятига панжа ортидан қараган. Амир Шохмурод даврида диннинг майдалашиб кетганини қоралайди. Мазкур масалада Пўлат Солиев ва Фитрат фикрлари муштарак⁸.

Амир Шохмуроднинг саройни тарк этиб, ўзини диний машғулотларга бағишланганини Аҳмад Дониш давлат хизматчиларининг инсофсизлиги, тубанлиги билан боғлайди. Лекин унинг шиалар устига қилган газот юришларию, афғон ҳукмдори Темуршоҳ билан рақобатга киришиши тўғрисида ломим демайди⁹. Пўлат Солиев эса, Амир (Шохмурод) Маъсум ташқи сиёсатига кенг ўрин берган.

Садриддин Айний Амир Шохмуроднинг суд ислохотларини маъқуллаган ҳолда, унинг шиалар устига юришини қоралайди. Айнан Шохмуроднинг юриши оқибатида Марв вайрон бўлиб, дашти-биебонга айланди, деб таъкидлайди¹⁰. Бу масалада Пўлат Солиев ва Садриддин Айний қарашлари бир-бирига мувофиқ келади. Лекин Садриддин Айний Амир Шохмурод тўғрисида сўнгги хулосани берганда уни ижобий тарафдан баҳолайди. Пўлат Солиев эса аксинча.

Амир Шохмурод томонидан вайронага айлантирилган Марвни араб халифалиги даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг йирик иқтисодий ва сиёсий марказлардан бири бўлганлигини Пўлат Солиев далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилган.

Муаллиф фикрича, Марв шаҳри ўз тарихий тараққиёти давомида икки бора ободончилик ва икки бора таназзул даврини бошдан кечирди. Араб халифалиги даврида халифаликнинг шимолий-шарқий пойтахти мақомида турган шаҳарда Салжуқийлар даврида "Азизийа" ва "Қамолӣя" кутубхоналари бўлиб, уларда ўн икки минг жилд китоб сақланган. Чингизхон ҳужумлари даврида зарар кўрган Марв, Темурий Шохрух томонидан қайта тикланган. Амир Шохмурод юришлари шаҳарга жиддий зиён етказганига Пўлат Солиев алоҳида урғу беради.

Бухоронинг ташқи сиёсатини белгиллаган Амир Шохмуроднинг Эронга нисбатан тутган позицияси Эрон ҳукмдори Оғомуҳаммадшоҳни ташвишга солган. Бунинг исботи сифатида муаллиф Оғомуҳаммадшоҳнинг Амир Шохмуродга ёзган истеҳзоли мактубини келтиради. Бирор бир манбага ишора йўқлиги туфайли, Пўлат Солиев тадқиқотидаги мактуб мазмуни айнан келтирилганлиги бир оз шубҳа уйғотади. Мактуб мазмуни Пўлат Солиев томонидан қайта ишланган ва замон руҳига мослаштирилган бўлиши керак. Чунки унда

ўзаро муроса қилишга бўлган даъват яққол сезилиб туради. Жумладан, барча инсонларнинг бир ўзакдан келиб чиққанлиги, шу боис тинч-тотув яшаши лозимлиги қайд этилади. Сафавий ҳукмдорлари, Муҳаммад Шайбонийхон, Нодиршоҳ даврига қайтиш ножиоз эканлиги таъкидланади. Мактубда Оғомуҳаммадшоҳ ўзини турк қавмидан ва Турон хонларининг авлодидан эканлигини назарда тутиб, Амир Шохмуродни муросага чақиради.

Афғон ҳукмдори Темуршоҳнинг Амир Шохмуродга йўллаган мактуби хусусида ҳам юқоридаги фикрларни таъкидлаш мумкин¹¹. Пўлат Солиев таъкидига кўра, мактуб Темуршоҳ, Панжоб уруши билан машғул бўлган пайтда Амир Шохмуроднинг Афғонистонга уруш очганидан кейин ёзилган. Мактубнинг Пўлат Солиев томонидан таҳрир қилинган мазмунига кўра, афғон ҳукмдорлари билан ўзбек хонлари ўртасидаги азалдан давом этиб келаётган дўстликка Амир Шохмурод хотима қўяди. Бунинг оқибати ўлароқ, Темуршоҳ 1789 йил Туркистонга ҳужум қилиб, аввал бой берган ҳудудларни қайтариб олади. Амир Шохмурод тўғрисидаги фикрларининг интиҳосида Пўлат Солиев унинг шахсиятига нисбатан ўта салбий муносабат билдириб, уни "ибодатчи, хонақоҳларда ётгувчи, дарвеш қиёфасида юрувчи бир аҳмоқ эди", деб атайди. Пўлат Солиевдан кейин манғитлар тарихига мурожаат қилган Фитрат, унинг асаридан фойдаланган бўлиши керак. Зеро, Фитрат ҳам Амир Шохмуроднинг дарवेशона турмуш тарзини хушламайди. Гумроҳ халқ уни "авлиё" сифатида қабул қилганини Фитрат ҳазм қила олмайди¹².

Манғит амирларига нисбатан Пўлат Солиевнинг анъанавий муносабатини Амир Ҳайдар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Амир Ҳайдарнинг диний машғулоти кескин танқид қилинади. Бу машғулотлар уни давлат ишларидан чалғитади, деган фикрга келади муаллиф. Бутун жамиятда диний руҳ ҳукмрон эди, дейди. Адолат юзасидан қайд этиш жоизки, Пўлат Солиев бошқа манғит амирлари қаторида Амир Ҳайдарга баҳо берганда жамиятда устувор бўлган ислом мафкураси, ислом факторини инобатга олмайди ва айрим ҳолларда ноҳолисликка йўл қўяди.

П.Солиевнинг Амир Ҳайдарга нисбатан фикри Аҳмад Дониш маълумотларига мутлақо тескари. Аҳмад Дониш Амир Ҳайдарнинг диний машғулоти, илоҳиёт илмидаги даражаси, руҳонийларга муносабатини ижобий баҳолайди. Муҳим давлат ишларини уламолар билан бамаслаҳат амалга ошириши Аҳмад Донишнинг диққат марказида турган¹³.



Муаллиф Амир Ҳайдарнинг ташқи сиёсат бобидаги қусурларини бўрттириб изоҳлашга мойил. Афғон ҳукмдори Темуршоҳнинг ўғиллари Замоншоҳ ва Маҳмудшоҳнинг ўзаро низоларига дахл қилган Амир Ҳайдар, ўз ҳузурига паноҳ сўраб келган Замоншоҳни қабул қилган бўлса-да, унинг қизини зўрлаб ўз никоҳига олганлигини ёзади. Бошқа манғит амирлари сингари Амир Ҳайдар фаолияти ҳам Пўлат Солиев назарида ижобий баҳодан йироқ. Амир Насруллонинг қаттиққўллигини Пўлат Солиев эътибордан четда қолдирмаган. Гарчи у уч биродарини ўлдириб тахтни олганини ёзган бўлса-да, лекин қатл этилганларнинг номини тилга олмаган¹⁴.

Амир Насрулло табиатидаги қусурлар, айниқса, унинг қаттиққўллигига Пўлат Солиев рисоласида алоҳида урғу берилади. Муаллиф уни минтақадаги сиёсий вазиятдан беҳабарликда айблайди. Туркистон ўлкаси ва Афғонистоннинг икки қудратли давлат (яъни Россия, Англия) манфаатлари доирасига тортилаётган бир шароитда Амир Насруллонинг бепарволиги муаллифнинг асосли эътирозига сабаб бўлган. Унинг фикрича, Фарғона (Қўқон) хонлиги шимолдан руслар, жанубдан Амир Насрулло исқонжасида қолган эди. Амир Насрулло ўзининг Қўқонга юришини, Пўлат Солиев ёзганидек, "жиҳод" деб атаган¹⁵.

XIX асрнинг 30–40 йилларидаги халқаро муносабатлар тарихи Пўлат Солиев томонидан яхши ўзлаштирилганлигини муаллифнинг масалани батафсил баён қилганидан билиш мумкин. 1832 йил Бухорога келган ярим расмий инглиз вакилининг рус истилосига қарши Ўрта Осиё хонликлари билан Афғонистоннинг уюшмоғи лозимлиги тўғрисидаги таклифи Амир Насрулло томонидан қабул қилинмаган ва бу муаллифнинг эътирозли баёнида ўз аксини топган.

Амир Насруллодан кейин тахтга ўтирган Амир Музаффар фаолиятидаги барча нуқсонлар, Бухоронинг Россия ярим мустамлакасига айланиш билан якун топгани хусусида муаллиф рисоласида талай фикрлар мавжуд. Амир Музаффарнинг ўз кучига ҳаддан зиёд ишонгани, ўзини Ўрта Осиё хонлари ичида энг қудратлиси деб ҳисоблаши, муҳолиф томон куч-қудратини менсимагани тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Бухоро мағлуб бўлгандан сўнг, рус ҳукумати томонидан қўйилган сулҳ шартлари санаб ўтилади ва ушбу сулҳнинг имзоланиши Бухоронинг сиёсий ҳаётига хотима қўйди деган хулосага келинади. П.Солиевнинг *"Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси"* номли рисоласини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

— рисола мураккаб тарихий даврда ёзилгани боис, унда давр илмий тафаккури акс этиши муқаррар эди; — муаллиф масалани ҳукмрон мафкуранинг талаблари доирасида баён этиш учун ўзини масъул деб ҳисоблаган; — муаллиф Бухоро амирлигининг Русиянинг ярим мустамлакасига айланишини Бухоронинг ўз мустақиллигидан батамом маҳрум бўлиши деб ҳисоблаб, Бухоронинг сўнгги амирлари — Амир Абдулаҳад ва Амир Олимхоннинг сиёсий фаолиятини изоҳлашни лозим топмаган; — асар олдиндан режалаштирилган мақсад ва вазифалар доирасида ёзилганлиги учун, унда бир томонламаликка йўл қўйилган; — *"Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси"* асари публицистик асардир.

¹ Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.) — Алматы: Институт Востока Германского Восточного общества, 2004.

² Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи хонадони манғитийа /Ба саъи ва ихтимом ва тасхехи Абдулгани Мирзоев. — Сталинобод, 1960.

³ Садриддин Айни. Таърихи амрони манғитийа Бухоро. — Душанбе, 1966.

⁴ Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. — Т.: Минҳож, 1992.

⁵ Пўлат Солиев. Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси. — Т., 1925.

⁶ Мирза Сомий манғитлар тўғрисида *"Таърихи салотини манғитийа"* номли асар ёзган.

⁷ А.Маҳдуми Дониш. Рисола. — Б.14–16; яна қаранг: Анке фон Кюгельген. Легитимация... — Б.398–399.

⁸ Фитрат Амир Шохмуроднинг диний сиёсатига ўта салбий муносабатда бўлган. Уни ислом амалиётига ҳаддан зиёд берилиб кетганликда айблаган ва ҳатто баъзи ўринларда ноҳолис бўрттиришларга йўл қўйган. (қаранг. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. — Б.7).

⁹ Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола.

¹⁰ Садриддин Айни. Таърихи амрони манғитийа. Бухоро. — Б.17.

¹¹ Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат бу мактублар тўғрисида эслатишмаган. Пўлат Солиев эса унинг манбасини умуман тилга олмайди.

¹² Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. — Б.7.

¹³ Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола. — Б.27–28.

¹⁴ Аҳмад Дониш ўз асарларида Амир Ҳайдардан кўра, ундан сўнг ҳукмронлик қилган Амир Хусайн ва Амир Умар даврларни батафсилроқ ёзган. Амир Хусайннинг тиб, кимё илмидаги саводхонлигига ижобий баҳо берган ҳолда, Амир Умарнинг майпарастиликка ружу қўйганидан афсусланади. Амир Насрулло ҳокимиятга келгандан сўнг, уни паранжига ўраб, Арқдан махфий равишда чиқариб юборишган (қаранг: Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола. — Б.29–30).

¹⁵ Амир Насруллонинг сиёсий фаолиятига баҳо берган ўрта аср муаррихлари унинг қаттиққўллигига алоҳида эътибор беришган. Унинг фаолиятига бағишланган кейинги йиллардаги тадқиқотларда икки хил тенденция кузатилади: биринчиси — Амир Насруллонинг сиёсий фаолиятига танқидий назар, иккинчиси — унинг фаолиятини ижобий баҳолаш (қиссланг: Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. — Токио—Ташкент, 2010; Ражабов Қ. Насруллохон. — Т.: ABU MATBUOT KONSALT, 2011).

